

2022 йил «**31**» март

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» шунжиниринг компанияси унинг директори Б.Абдурахимов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пурдатчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «ME'MOR ARCH CONCEPT» масъльяти чекланган жамияти раҳбари Ж.Хотамхонов иккинчи томондан мазкур шартномани қуяндагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 «Пурдатчи» Андижон шаҳар Муҳаммадосуф номидаги ижод мактабига 200 ўриили ётоқхона қуриши ва жиҳозлаш ҳамда мавжуд биноснин маҳорат марказига мослантириш учун лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш ва объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишига топширилгунга қадар олиб бориши мажбуриятини, «Буюртмачи» эса ўз вақтида ишларни қабул килиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 «Пурдатчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган архитектура режалаштириш топшириги (АРТ), лойиҳалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар қурилишига лойиҳа – смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чикиш тартиби ва тасдиклаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва кўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 «Пурдатчи» томонидан бажариладиган ишларнинг муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори 4-иловасига асосан махсус эълон бўйича берилган таклифга асосан 10 (үн) иш куни давомида лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш белгиланган.

1.5 «Пурдатчи» «Буюртмачи»нинг рухсатини кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш «Пурдатчи» зиммасига юқлатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдикланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблаглари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи хисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларини мажбуриятлари

#### 2.1 «Пурдатчи»нинг мажбуриятлари:

- «Пурдатчи» «Буюртмачи» томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- «Буюртмачи» билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда «Буюртмачи»га ахборот жўнатиш

2.2 «Пурдатчи» мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

#### 2.3 «Буюртмачи»нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- «Пурдатчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- «Пурдатчи» билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини тудришга учинчи шахсга бермаслик;

### Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Мазкур шартнома бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон карори 4-иловасига асосан маҳсус эълон бўйича иштирокчилардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқишида тендер бўйича харид комиссиясининг 2022-йил 28-март кунги ахборот поталда Лот №46277 сонли БАЁННОМАСИ билан тасдиқланган, Пурратчи томонидан бажариладиган ишларнинг Республика бюджет маблаглари хисобидан молиялаштирилишида ЛСХ милион) сўмни ташкил этади.

3.2 Бундан “Буюртмачи” томонидан “Пурратчи”га шартнома дастлабки кийматининг 30 % микдори 62 100 000 (олтмиш икки миллион бир юз минг) сўмни 70% тўлов 144 900 000 (бир юз қирқ тўрт миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қиласди.

3.3 “Буюртмачи” “Пурратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул килиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пурратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пурратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Пурратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пурратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкландади.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

### 5 . Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равища тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга хақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этгаге сумманинг 0,5% хажмида пеня тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пурратчи” ўтказиб юборилга хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлайди. Аммо

бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси конунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукуқий базаси тўгрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнода тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета хужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–хукуқий базаси тўгрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиласидар.

Агар томонлар 1 ой мобайнода бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс–мажор» холатига teng ҳисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буортмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий хисобланади.


8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буортмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгаришиш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чогида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқиласди

## 10. Томонларнинг реквизитлари

| БУОРТМАЧИ   | ПУДРАТЧИ  |
|---|---|
| «Ягона буортмачи хизмати» ИК  | “ME’MOR ARCH CONCEPT” МЧЖ   |
| Андижон ш. Навоий шохкўча 45 уй   | Андижон шаҳар 1-кичик даҳа, Фурқат №27 б, 21  |
| Тел: 223-08-28  | Тел: (91) 488 99 66 (99) 080 99 66  |
| ШХВ: 1000 1086 0034 0170 9652 1342 002  | ШХВ:  |
| СТИР: 200 238 014; ОКОНХ:69 000   | ЧЭКИ "Hamkorbank" АТ Бош Офиси  |
| Ўзб. Респ. Молия вазирлиги Газначилиги;   | X/P: 2020 8000 8051 5079 5001   |
| Газна х/р: 23402000300100001010   | Банк коди 00083   |
| МБ ХККМ Тошкент шаҳар МФО: 000 14   | ИНН 306926005   |
| СТИР 201 122 919  |   |
| Компания  |   |
| директори  Б.Абдурахимов | Рахбар:  Ж.Хотамхонов |
|                           |                       |